

Макка шаҳрида Қуръони каримнинг энг катта нусхаси ўрнатилади



11:20 / 08.07.2019 1846

Макка шаҳрида 600 йиллик тарихга эга Қуръони каримнинг энг катта намунасини ўрнатишга жой изланмоқда. Бу ҳақда iqna.хабар беради.

Маълум бўлишича, ушбу Қуръони карим нусхаси чиннидан қопланган бўлиб, баланд минораларга катта ҳарфлар билан ёзилган. Масжид миноралари кўринишида бўлган ушбу устунлар сони бешта бўлиб, уларнинг баландлиги 32 метрни ташкил этади. Минораларга ёзилган оятларни узоқдан ҳам ўқиса бўлади.

Ушбу Қуръони карим нусхаси бир неча йил аввал бир тадбиркор томонидан сотиб олинган эди. Ҳозирда уни шаҳарнинг энг мақбул ерига жойлаштириш учун махсус жой қидирилмоқда. Хабарда айтилишича, ушбу Қуръони Карим Мусҳафи шарифнинг энг катта намунаси сифатида Гиннес рекордлар китобига киритилади.



Islom.uz портали таҳририяти